

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Поездда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 57—58 (2698—2699)
1994 йил, 29 июль

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
30 тийин.

АНДИЖОНДА СЕМИНАР- КЕНГАШ

ЯҚИНДА Андижон шаҳрида республика кўриқлаш бўлинмаларининг икки кунлик семинар-кенгаши ўтказилди. Ундан кўзланган асосий мақсад ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмаларининг хизмат ва молиявий-ҳўжалик фаолиятларини бундан кейин ҳам такомиллаштириш, уларнинг ИИБ бошқа хизматлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шахсий таркиб билан ишлаш, уларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишларини яхшилаш, хизмат интизоми ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида илгор тажрибаларни алмашишдан иборат эди.

Кенгаш ишида "Кўриқлаш" Республика бирлашмаси раҳбарияти, вилоятлар ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари, кўриқлаш хизмати мутасаддилари, шунингдек вилоятлар, шаҳар, туман ИИБлари ҳузуридаги кўриқлаш бошқарма, бўлим, бўлинмаларининг бошлиқлари иштирок этишди. Уни Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Т. С. Муротхўжаев очди ва йиғилганларни вилоятдаги оператив аҳвол, ИИБнинг барча хизматлари, жумладан кўриқлаш хизмати фаолияти билан таништирди.

"Кўриқлаш" Республика бирлашмаси бошлиғи, милиция полковниги Х. Р. Убайдуллаев сўзга чиқиб, кўриқлаш хизмати ишнинг такомиллаштириш масалалари, хизмат олдида турган муаммоларни бартараф этиш ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида семинар-кенгаш қатнашчилари ҳаётини муҳим объект — Кампирраот сув омборларини кўриқлашни ташкиллаштириш, Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими 1-сон МКПнинг қўлга олиш гуруҳи, пульб бошқаруви навбатчиси фаолияти билан танишдилар.

Кенгаш сўнгида "Кўриқлаш" Республика бирлашмаси раҳбарияти йиғилганларнинг саволларига жавоб беришди.

И. ШОМУРОДОВ,
милиция лейтенанти.

ИЮНЬ ОЙИНИНГ охирида республика темир йўл нақлиети раҳбар ходимларининг эътиборига йўл бошлиғи В. Желтоуковнинг "Йўлда пассажир ташишни ташкил этишни яхшилаш чоралари тўғрисида"ги фармойиши етказилди. Унда, жумладан, зарур назоратнинг йўқлиги туфайли айниқса, ёз пайтида пассажир поездларига йўловчиларни олишда катта ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Чипта олмаган йўловчилар бўлиши, меъёрдан ортқ юклар учун ҳақ тўланмаслиги фактларига йўл қўйилмоқда, бунинг натижасида вагонларнинг техник ҳолати ёмонлашмоқда, бу эса поездлар ҳаракатининг хавфсизлигига хавф солади ва йўловчилар ташишнинг энг оддий шарт-шароитларини таъминламайди.

МИЛИЦИЯНИНГ ОРТИҚЧА ТАШВИШЛАРИ

Йўл бўлинмалари раҳбарлари жойларда пассажир поездларининг ҳар бир вагонидан тўрт кишидан иборат бригада хизмат қилишини таъминлашлари, бу бригадалар эса темир йўл бўлинмалари ходимларидан ташкил этилиши лозимлиги фармойишга алоҳида банд этиб киритилган эди.

— Бу ҳужжат шу кундаги воқелик тақозосида юзага келганлигини таъкидлашдан бўлмайди, — дейди республика ИИБ Нақлиёт ички ишлар бошқармаси профилактика бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги В. Боликов. — Хусусан Тошкентдаги Шимолий бекатда пассажир поездларига йўловчи олиш қандай мушкулликларга сабаб бўлаётганини тасвирлаш энгил эмас. Бу ерда йўл бошлиғининг юқоридаги фармойиши амалда назар-эътиборга олинмапти. Поездларга йўловчи олишни асосан милиция ходимлари таъминламоқдалар, ҳар куни 60 га яқин йиғитимиз навбатчилик қилади, ўртача 10-12 поездга йўловчи чиқишини назорат қилишади. Зиммамиздаги юк залворли. Лекин гап бошқа нарсада. Милиция ходимлари яна ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб

этилмоқда — улар ҳаддидан ошган "йўловчилар" нима қилиб бўлсада вагонларга олиб чиқишга уринадиган қоллар, тугунлар, яшиқларни четга оладилар. Поезд бригадалари нима билан машғул? Ахир милиция ходимининг вазифаси жамоат тартибига хавф тугилган ҳолда ёки фуқаролар мурожаат қилган тақдирда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат-ку.

Амалдаги тартибга мувофиқ ҳозирги вақтда ҳар бир йўловчи ўзи билан ҳақ тўламасдан 36 килограмм ва ҳақ тўлаб 29 килограмм юк олиши мумкин, тўланган ҳақ учун квитанция олиши керак.

Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг. Пассажир поездига ўртача 600 йўловчи чиқади, улар ҳар бирининг юқини тортиш керак, тарози эса — битта (!). Бу ҳол асабни яна бузишга, гала-говур, чалкашликларга олиб келади. Бу нарса милициянинг ишини кўпайтиради. Шубҳасиз, ички ишлар идораларининг ходимлари темир йўл ходимлари билан ҳамкорликда унинг объектларида тартиб ўрнатилари керак, лекин бу нарса фақат бир томоннинг зиммасига юклаб қўйилмаслиги лозим. Кишилар етишмаслиги тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, бундай муаммо йўқ. Ҳамма гап ишни ташкил эта олиш маҳоратида, хоҳишда қолган.

Лекин иш яхши йўлга қўйилган жойлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қарши, Бухоро бекатларида поездга йўловчи олиш бригадалари гоятда самарали ишламоқда. Темирйўлчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан перронларда тегишли тартиб ўрнатилмоқда, бу эса милиция дуч келадиган кўпгина ноҳуш вазиятларнинг олдини олмоқда.

Газетанинг ушбу сони муштарылар қўлига етиб борганда, "Йўловчи-94" деб номланган мақсадли комплекс тадбир кенг миқёсда давом этаётган бўлади, бу тадбирда нақлиёт ички ишлар идоралари ва бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалар ҳам, темир йўл ва ҳаво нақлиети ходимлари, жамоа тузилмалари ҳам иштирок этади.

Ушбу тадбир тегишли тартибни, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл ва ҳаво нақлиетида йўловчилар ташиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўтказилади. Унинг бориши ва яқунларидан газетхонларимизни хабардор қилиб борамиз.

А. СТЕПАНОВ.

Икки жума оралиғида

БОСКИНЧИНИНГ ШЕРИГИ НОЗАНИН АЁЛ

СИРДАРЁ вилоятининг Шароф Рашидов туманида ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган оператив қидирув тадбирлар натижасида шу ой бошида хайдовчи Жафаровга пичоқ уриб, унинг автомашинасини олиб кетган босқинчилар ушланди. Уларнинг бири 24 ёшли навқирон йигит бўлса, иккинчиси, 26 ёшли нозанин аёл экан.

НАШАФУРУШ

ШУ ВИЛОЯТНИНГ Гулистон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирлар вақтида корейс миллатига мансуб 35 ёшли киши ўз уйида наркотик моддалар билан савдотик қилаётган пайтида қўлга тушди. Ушбу нашафурушнинг уйи текширилганда бир неча грамм гиёҳванд модда ва қўшотар қирқма ов милтиғи топилди.

СОЯБОНГА ҲАВАСИ КЕТДИМИ, Ё...

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ Хўжайли шаҳрида Хўжааҳмадовани кўрқитиб, сумкаси ичидаги 64 минг сўм-купон, 2 минг Россия рубли ва соябонини олиб кетган жиноятчи ушланди. У Муқимий кўчасида яшовчи Рудаков экан.

ҲАР ҚАЙСИСИ ҲАР ЖОЙГА

АНДИЖОН вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги Эсонов номли жамоа хўжалиги аъзоси Кўчқоровнинг 2,5 тонна бугдойни уйига яшириб қўйганлиги аниқланди. Бугдой давлат омборига, Кўчқоров эса тергов идорасига жўнатилди.

ЁГДАН ДАРОМАД ЁҒЛИ

БУХОРО темир йўл бекатида ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида 57-Кўнгирот-Тошкент поезди йўловчилари И. Курбонова, Ш. Мухторов ва А. Рустамовларнинг 330 литр пахта егини республикадан ташқарига олиб кетаётганликлари аниқланди.

Республика ИИБ Матбуот
маркази хабарларидан.

ЙИЛЛИК МАНЗИЛНИНГ ЯРМИ

СУРХОНДАРЁ вилоят Ички ишлар бошқармасида олти ойлик иш яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўтган давр ҳисоб-китоблари шунини кўрсатдики, вилоятда халқ осойишталигини таъминлаш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда бирмунча камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бу ҳақда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. А. Шарипов алоҳида таъкидлади ва кескин чоралар кўришни қатъий қилиб қўйди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Х. Тўлаганов милиция ва прокуратура ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш, ҳар томонлама алоқани мустаҳкамлаш ҳақида гапириб ўтди.

Халқ орасида ички ишлар идоралари ходимларининг обрўини

тўқилмаслиги нималарга боғлиқ? Бу масалада республика ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги М. Бекмуродов атрафлича фикр юритиб, бунинг асоси, энг аввало, интизоمنىнг мустаҳкамлигига боғлиқлигини уқтириб ўтди.

Йиғилиш ишида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Раҳмонов қатнашди ва сўзга чиқди.

С. АБДУВОҲИДОВ,
вилоят ИИБ матбуот гуруҳи
ходими, милиция старшинаси.

ШУНИНГДЕК, ярим йиллик сарҳисоб йигини Андижон вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят, шаҳар ва туман ички ишлар идоралари раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ички хизмат

генерал-майори Т. С. Муротхўжаев очди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги А. Мақсудов олти ойлик иш яқунлари тўғрисида хисобот берди.

Музокараларда Асака тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Қ. Шарифбоев, Олтинқўл тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги С. Камолов, бошқарма бошлиғи ўринбосари А. Казиев, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б. Зоҳидов ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғилишда республика ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Раҳмонкулов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Т. АҲМЕДОВ,
вилоят ИИБ матбуот хизмати
ходими.

Милиция катта сержанти Қахрамон Эгамбердиев Заңғота туманидаги Уртаовул қўрғони милиция бўлимида тўрт йилдан бери хизмат қилиб келади. У — навбатчилик қисми навбатчисининг ёрдамчиси.
Суратда: Қ. Эгамбердиев иш устида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.



САҲИФАДА:

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ШОФИРКОН туманида вояга етмаган ешлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг кун сайин ошиб бораётгани туман ИИБ раҳбариятини ташвишга солиб қўйди. Шу боисдан ИИБ раҳбарияти вояга етмаган ешлар билан ишлаш назориятига тажрибали бир ходимни бош нозир этиб тайинлашга қарор қилди. Бу лавозимга милиция капитани Тўлабой Асадов

лимларни тарғиб қилиш масаласига ҳам асосий эътиборни қаратиб, «Хуқуқий давлат фуқароларимиз» мавзусида кўрик-танловни ўтказишни ташкил этдилар.

Вояга етмаган ўсмирларнинг кундалик ҳаётларида учрайдиган воқеаларга асосланиб хуқуқий мавзуда саволлар тузилди. Вояга етмаган ешлар билан ишлаш нозирлари мактабларда бўлиб,

ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бу тадбирни вилоятдаги қўшни туманлар ҳам тарғиб қилиб Шофиркон ва Вобкент тумани ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

Вояга етмаган ешлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилган профилактик тадбирлар ўз самарасини берди. Туманда вояга етмаган ешлар томонидан ўтган йилнинг 5 ойида саккиз жиноят содир этилган бўлса, жорий йилнинг 5 ойида бу кўрсаткич биттага тушди.

Тўлабой Асадов ўзининг асосий вақтини ишда, тиниб-тинчимасдан тунларни бедор, кунларни беором ўтказса-да, вояга етмаган ешлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиб кетганлигидан хурсанд.

ТАДБИРКОР ЕТАКЧИ

тайинлангач, ишни аввало содир этилаётган жиноятлар таҳлиладан бошлади. Бош нозир вояга етмаган ешлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабабини ўрганиб чиқар экан, улар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, милиция ходимлари мактабларда бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирларни тез-тез ўтказиб туришлари, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъулиятини ошириш, ўқувчилар ўртасида хуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш зарурлиги тўғрисида қатъий хулосага келди.

Ешлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчиликнинг олдини олиш учун туман ИИБ, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ешлар иши билан шуғулланувчи комиссия, туман прокуратураси, халқ таълими бўлими, Ешлар Иттифоқи билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширдилар. Тумандаги ешлар тарбиясига алоқадор ташкилотлар, ота-оналар билан туман ички ишлар бўлимида семинар кенгаш ўтказилиб, бир қанча тадбирлар белгилаб олинди. Бундай суҳбатларда уларнинг бола тарбиясидаги масъулиятлари яна бир бор тушунтирилди. Ходимлар ешлар ўртасида хуқуқий би-

ўқувчиларни кўриқка тайёрладилар. Бу тадбир тумандаги 40-мактабда ўтказилди. Ғолиб ўқувчилар туман ички ишлар бўлимининг «Фахрий ерлик»лари



Суратда ўнгдан чапга: Бухоро вилояти ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Бобир Норов ва Шофиркон тумани ИИБ вояга етмаган ешлар билан ишлаш назорияти бош нозир, милиция капитани Тўлабой Асадовлар Шофиркон тумани ешлари ўртасида «Хуқуқий давлат фуқароларимиз» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов натижаларини муҳокама қилиб, келажакда бу кўрик-танловни вилоятдаги бошқа туманларга ҳам ўтказишни режалаштирмоқдалар.

УШЛАЛГАН ОРЗУ

МИЛИЦИОНЕР бўлиш Асаднинг ёшлиқдаги орзуси эди. У ҳали болалик йиллариданоқ кўркам кийинган милиция формасидаги йигитларни кўрганда милиция ходимларининг машаққатли меҳнатларини тасаввур қилолмаса-да, уларга қараб ҳаваси келарди. Болалиқдаги бу ҳавас у улғайган сари қатъиятга айлана борди.

Ҳарбийдан йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, ёшлиқдаги кўнглига тугиб қўйган орзусини отасига айтди. Бироқ, отаси унга милиция ходимларининг иши кийинлигини, ҳаёти доимо хавф остида юришини, кечаю-кундуз тиним билмасликларини айтиб, розилик бермади.

Асад, ўз хоҳишига қарши бўлса-да, отаси измига бўйсунди. Аммо ҳаётдаги баъзи бир кингирликлару ноҳақликларни кўриб, Асад ўз ораусини амалга оширишга қатъий киришди ва 1978 йилда милиция формасини кийишга муваффақ бўлди. Энди Асад Жамоловнинг ҳаётида тинимсиз кунлару беором тунлар бошланди. Элга хизмат қилишга бел боғлаган йигит ишга астойдил киришди. Асаддаги милиционерлик касбига бўлган қизиқиш ишга киргандан кейин ўз касбининг сирларини тезроқ мукамал ўзлаштиришга, кийинчиликларни енгишга ёрдам берди. Ёш милиция ходимининг тиришқоқлиги, ўзига топширилган ҳар бир ишни

бекаму кўст ўз вақтида бажариши, ноҳақликни кўра билмаслиги Вобкент тумани Ички ишлар бўлими раҳбариятининг назарига тушган бўлса, шахсий таркиб ўртасида унинг хурматини оширди.

Асад Жамоловнинг милиция формасини кийганига ҳам 16 йил бўлди. Ўтган вақт ичида унинг ҳаётида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Ўзи севган қиз билан турмуш қурди, ширин-ширин фарзандларига ота бўлди, ҳалол меҳнати билан эл хурматини қозонди, милиция старшинаси махсус унвонини, «Милиция аълочиси» кўкрак нишонини олиб, вилоят ички ишлар бошқармаси ва туман ИИБ раҳбарияти томонидан бир неча бор тақдирланди.

Айни кунда милиция старшинаси Асад Жамолов Вобкент тумани Ички ишлар бўлимига қарашли соқчилик бўлимида Давлат банкни кўриқлаш милиционери вазифасида хизмат қилиб келмоқда. У ўз хизмат вазифасини ҳалол бажариш билан бир қаторда, хизматдан бўш вақтларида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш каби профилактик тадбирларда фаол иштирок этиб, давлат ва жамоат мулкига кўз олайтираётган баъзи бир текинхўр ташмачиларга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқда.

ЗЎРАВОНЛАР УШЛАНДИ

БУХОРО шаҳридаги Сомонийлар номли маданият ва истироҳат борига 7-синф ўқувчилари Н. Солиев ва А. Сулаймоновларни номаълум икки шахс тўхтатиб, қуч ишлатган ҳолда уларнинг чўнтагидаги 32

минг сўм-купон пулларини тортиб олдилар. Милиция ходимларининг тезкор қидирув олиб боришлари натижасида зўравонлар ушланди. Буни қарангки, талончилар ҳам жабрланувчилар сингари мактаб ўқувчилари экан.

ХОДИМЛАР ТАШВИШИДА

ИЧКИ ИШЛАР идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш, халқимизнинг осойишта яшаш учун барча имкониятларни яратиш, жиноятчилик ва хуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ходимларни иқтисодий томондан ҳимоя қилиш, ойлик маошларини ўз вақтида тўлашдек хайрли вазифани

бажариш жойлардаги вилоят ички ишлар бошқармаси молия-режа бўлими ходимлари зиммасига тушади. Бозор иқтисодиёти шароитида рўй бераётган иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан ички ишлар идораларида хизмат қилаётган барча ходимларни, шунингдек, ички ишлар идораларида самарали меҳнат қилиб, айни пайтда қарилек гаштини сураётган нафақадорларни ўз вақтида ойлик маош, нафақа билан таъминлаб,

уларга зарур ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатиб келмоқдалар. Бундан ташқари ходимларнинг хайриялари ҳисобидан ташкил этилган махсус ёрдам жамғармасидан хизмат вазифасини ўтаб турган пайтда ҳалок бўлган ходимларнинг оиласига 450 минг сўмлик ёрдам берилди.

— 1993 йилдан бошлаб ойлик маошлар бир неча марта оширилди. Бу ходимларнинг оилаларини иқтисодий ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришда янада масъулият билан ендашишга даъват этган бўлса, молия-режа бўлими ходимлари зиммасига катта вазифалар юклади, — дейди бош ҳисобчи, милиция капитани Карим Раҳимов. — Ўз вазифаларига виждонан ендошган ҳисобчиларимиз Л. Евсеева, Л. Абдуллаева, Т. Ламакинларнинг касб сирларини пухта билишлари, меҳнатсеварликлари, замонавий

Суратларда: вилоят ИИБ молия-режа бўлими бошлиғи, милиция майори Насим ўринов ва бош ҳисобчи, милиция капитани Карим Раҳимовлар бўлимида амалга оширилажак ишларни муҳокама қилмоқдалар; ҳисобчи Любовь Қодировна Абдуллаева ходимларнинг ойлик-маошларини компьютерда ҳисобламоқда.

Е. ЗУЕВ олган суратлар.



техника хизматидан самарали фойдаланишлари натижасида ойлик-маошлар ходимларга ўз вақтида етказилди. Вилоятда нафақадорлар 1000 дан ортиқ кишини ташкил этади. Ойлик маошлар неча марта ошган бўлса, нафақалар ҳам шунча марта ошди. Ички ишлар вазирлиги ҳисоб-китоб ишлари ҳам қайта-қайта ташкил этилди. Бироқ, қийинчиликларга қарамасдан нафақа гуруҳи бошлиғи, милиция катта лейтенанти В. Зоиров, нозир О. Халиловлар уларнинг ўз вақтида

нафақа олишларини таъминлаб келмоқдалар.

— Келажакда бўлим фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида молиявий режалаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобларининг барча турларини бутунлай компьютерлаштиришни ўз олдимишга режа қилиб қўйганмиз, — дейди бўлим бошлиғи, милиция майори Н. ўринов.



Саҳифани вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори Ш. Қўлдошев тайёрлаган.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

МОСКВАДА Чернобилнинг қахрамон ўт ўчирувчилари ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган ўт ўчириш амалий спорти бўйича халқаро биринчилик ўтказилди.


Ҳалок бўлган ўт ўчирувчилар хотираси эъзозланиб, йиғилганлар бир дақиқа сукут сақладилар, уларнинг қабрларига гулчамбарлар қўйдилар. Москваликлар "тинч" атомнинг даҳшатли кучига қарши тенгсиз жангга киришиб, ҳалок бўлган 28 ўт ўчирувчи хотирасига барпо этилган улугвор ёдгорлик ҳайкалининг атрофи гавжум бўлди.

"Динамо" ўйингоҳида Чернобил атом электростанциясидаги аварияни тугатишда қатнашган генерал-майор А. Телятников халқаро биринчиликнинг хотира оловини ёқди.

Қизгин ўтпан уч кун мобайнида яқин ва олис хориждаги мамлакатлардан келган 12 жамоа халқаро мусобақаларнинг голиби бўлиш учун беллашдилар.

Республика катта тренери А. Беляев раҳбарлик қилган Ўзбекистон Республикасининг терма жамоаси бу мусобақада фаол иштирок этди. Унинг таркибиде спорт мастерлари ва ёш спортчилар — спорт мастерлигига номзодлар бор эдилар. Мусобақаларда юқори спорт натижаларига эришилди, руҳий зўриқишлар ҳам кучли бўлди. Халқаро мусобақалар таърибасига эга бўлганим учун мусобақаларнинг барча турларида спорт натижаларига таъсир кўрсатадиган халқаро даражадаги атоқли спорт усталари иштирокига беихтиёр эътиборни қаратаман. Шундай бўлсада икки ёш спортчимиз А. Крюк ва А. Кудряшев спорт усталари нормативларини бажардилар. В. Зарубин, В. Моргунов, К. Сухоручкин тўсиқлари бўлган 100 метрлик масофани ўтишда яхши натижаларга эришдилар.

Мусобақаларда Белоруссия терма жамоаси голиб чиқди. Бизнинг



жамоамиз еттинчи ўринни эгаллаб, Москва, Қозоғистон, Болгария, Литва ва Латвия терма жамоаларини орқада қолдирди.

Бутунроссия "Динамо" жамаияти ва мусобақа ташкилотчиси бўлган Москва шаҳар енгиндан сақлаш хизмати Ўзбекистон терма жамоасини галабага хоҳишини намоён этгани учун ёрлик билан мукофотлади.

Ўзбекистон Республикасининг ўт ўчириш амалий спорти бўйича ёш, истиқболли жамоаси бундан кейин ҳам халқаро мусобақаларда мустақил давлатимиз байроғи остида совринли ўринлар учун курашади ва спортда юксак натижалар кўрсатади деб ишонамиз.

Т. АЗИМОВ,
терма жамоа бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЁСБ бўлим бошлиғининг
ўринбосари, ички хизмат майори.

Суратларда: мусобақа лавҳалари.



"ЙЎЛЧИРОҚ" БЕЛЛАШУВИ

ХОЗИРГИ ИҚТИСОДИЙ қийинчилик шароитига қарамай ўқувчиларнинг севимли "Йўлчироқ" ўйини анъанавийлигини йўқотганича йўқ.


Яқинда Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси вилоят давлат автомобиль назорати бўлимининг туманлараро мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 17 туман, шаҳар ҳамда кўрсатиш, кўргазмали материаллар ва техника воситаларини кўриб чиқиш, шунингдек, яна бир қанча саволлар бўйича ўзларининг билим савияларини намоён этишлари зарур.

Мусобақанинг барча шартларига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган Чироқчи туманидаги А. Навой номи ўрта мактабнинг "Камалак" командаси аъзолари беллашувда голибликни қўлга киритишди. Команда сардори Дилноза Обиддинова рақибларининг барча саволларига аниқ ва пухта жавоб бериб, барчани қойил қолдирди.

Фахрли иккинчи ўрин Ғузур туманидаги Лутфий номи ўрта мактабнинг "Сигнал" командаси аъзоларига насиб этди. Учинчи ўринни эса Шаҳрисабз шаҳридаги "Хушёр" командаси аъзолари эгаллашди.

Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган голиб командалар Тошкент ва Наманган шаҳрида ўтказиладиган республика ёш автоинспекторлар мусобақасида иштирок этадилар.

У. ҲАЙДАРОВ,
милиция катта лейтенанти.



ЭЪЛОНЛАР

1993 йилда Тошкент шаҳридаги 84-мактаб томонидан Дилноза Файзиёва номига берилган АУ 314502 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

Навой вилоятининг Нурота туманидаги 29-мактаб томонидан Ибодулло Исомитдинович Зиевиддинов номига берилган А 604258 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси жамоаси Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ терговчиси

Саидқул Шаропович МИРЗАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Китоб тумани ИИБ терговчиси, милиция капитани

Саидқул МИРЗАЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Чироқчи тумани ИИБнинг собиқ бошлиғи, истеъфодаги милиция подполковниги

Карим БЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар ИИББ томонидан 1929 йилда туғилган, Тошкентдаги Анҳор соҳили кўчаси 8-уйнинг 33-хонадониде яшайдиган Владимир Венедиктович Демьянов қидирилмоқда. У 1994 йилнинг 6 июлида кўчага чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-173 см., ўртача гавдали, сочлари оқарган, калта, манглайда сочлари тўқилган. Ясси оёқ, пойабзалининг размери 42-43. Қорнида кўричакдан қолган чандиқ, кўкрагида ҳам операциядан қолган чандиқ бор. Чап қўлида илгари езилган иккита ҳарфнинг изи мавжуд.

Кийими: оқ-кўк тусли ярим шерсть шим, оқ-кўк пушти ранг, калта энгли синтетик финка кўйлак, тўқ қизил туфли, ип газламадан тикилган оқ плавка, қизил шойи труси.

В. Демьяновнинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлган фуқаролардан бу ҳақда яқин ердаги милиция бўлимига ёки 02 рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



ҚИДИРИЛМОҚДА



Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1976 йилда туғилган, Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ кенгаши Ленин кўчаси 151-уйда яшайдиган Наргиза Набиевна Уликова қидирилмоқда. У 1992 йилнинг 18 август куни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 155-160 см. атрофида, ўртача гавдали, сочи қора ва қирқилган, юзи думалоқ.

Кийими: бошида сариқ симли рўмол, эгнида оқ-кўк гулли жемпер, атлас кўйлак, оёғида кўк шиппак бўлган.

Алоҳида белгисиз пешонасининг чап томонида нўхатдек холи бор.

Н. Уликованинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1976 йилда туғилган, Тошлоқ тумани Кумариқ қишлоқ кенгаши Октябрь кўчаси 57-уйда яшайдиган Мўйдин Оқтўраевич Ирисов қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 29 декабрь куни эрталаб соат тўққизларда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 180 см. атрофида, жуссаси ориқ, юзи қўзинчоқ ва оқшдан келган.

Кийими: эгнида тиззагача етадиган куртка, қора шим, бўйнида кўк шарф, оёғида қора этик ва елкага илиб юриладиган яшил рангли сумкаси бўлган.

М. Ирисовнинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлезмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарибмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — 1060

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.934 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.